



**МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЛҒОР
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ.**

Ибрагимова Нилуфар Адхамовна

*ГулДУ "Анъанавий хонандалик ва халқ чолғулари" кафедраси в.б.доц. Телефон:
+998972480575*

Аннотация: *Муסיқий тарбиянинг муҳим вазифаларини амалга оширишда, ёш авлодни юксак муסיқий эстетик дидини шакллантириш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, ижро маҳоратини юзага келтиришда муסיқа ўқитувчиси алоҳида аҳамият касб этувчи шахс ҳисобланади. Ушбу мақола муסיқа ўқитувчисининг педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтиши ҳақида.*

Калит сўзлар: *муסיқа таълими, инновацион технологиялар, педагогик технология, анъанавий таълим, интерактив усул, ижрочилик фаолият.*

Малумки, таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг зарур омили ҳисобланади. Айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси билан республикамызда миллий муסיқий таълимни ислоҳ қилиш мақсадида муסיқа соҳасида қатор қарорларнинг қабул қилиниши таълим тўғрисидаги ислоҳотларнинг асосий стратегиясини кўрсатиб берди. Бу эса республикамызда замонавий таълим рақобатбардошлигини таъминлаш ва таълим сифатини оширишда самарадорликка эришиш йўлида қўйилаётган ишончли қадам бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Шу ўринда муסיқа таълими тизимида янги инновацион ғояларни олиб кириш ва замонавий ёндашувлар орқали муסיқа соҳасини янада ривожлантириш шу куннинг долзарб муаммоларидандир.

Ўқитувчи ҳар бир дарсни ўз салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда, илғор педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўтмоғи зарурдир. Ўқитувчи ўқувчиларни қизиқтирган ҳолда дарсни ташкил этиши, муסיқий-педагогик дарсларининг самарадорлигини янада оширади.

Инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу кунгача анъанавий таълимда ўқувчи-талабаларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари тўғри келтириб чиқаришларига ўргатади.

Таълим-тарбия беришда илғор педагогик технологияларни қўллаш (тест, ўйин, савол-жавоб, мусобақа, суҳбат) яхши самара берганлиги боис, бошланғич синфларда ҳам ўқитишнинг шу турига асосий эътибор қаратилмоқда. Янги дарс



доимгидек бир хил тартибда эмас, ўқувчилар учун қулай бўлган шароитлар, турли хил усуллар ёрдамида тушунтирилади. Бунда ўқувчиларнинг биргаликдаги иштирокига эришилади. Ўқиш дарсларида ҳам илғор педагогик технологияни қўллаш самарали натижа беради. Бу дарсда асосий ахлоқ-одоб қоидаларини ўзида мужассамлаштирган «Шарқона тарбия»ни ўқувчилар онгига сингдириш қулайдир.

Ўқитувчи бу жараёнга шахснинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиш ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.

“Муסיқа маданияти” дарсларида замонавий ўқитиш методлари – интерактив методлар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Бунда педагогик технология ва педагогик маҳоратига оид билим, тажриба ва интерактив усуллар ўқувчиларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Таълим жараёнини педагогик технологиялар ёрдамида амалга ошириш учун ўқитувчи педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим. Педагогик маҳоратга эга бўлиш учун эса ўқитувчи ўз устида тинимсиз ишлаши керак бўлади. Интерфаол методларни қўллаш учун ўқитувчи педагогик технология таълим жараёнига зарур бўлган ғоялар ва ҳаракатлар мажмуасини тузишга ҳамда ўқитишнинг ижодий ривожланиш тартибида ишлашга ўрганиши лозим.

Инновацион педагогик технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив усуллардан тўлиқ фойдаланилади.

Педагогик технологияларнинг самарадорлиги муסיқий таълимни маълум мақсад асосида, шунингдек, мақбул шакл, усул ва воситалар ёрдамида ташкил этилиши билан таъминланади. Жумладан: техник воситалар, компьютар ва бошқа муסיқий чолғулар услублари, кўргазмали жихозлар, амалий машғулотлар, педагогик ва психологик воситалар, илғор ўқитувчиларнинг илғор тажрибалари, дарсларнинг ноанъанавий шакллари, баҳолашнинг янги тизими кабилар педагогик технологиялар самарадорлигини аниқлашнинг муҳим мезонлари бўлиб хизмат қилади.

Муסיқа ўқитувчисининг методик тайёргарлигида педагогик лойиҳалаш ва педагогик ўйинлар муҳим аҳамиятга эгадир. Ўқувчи ижрочилик фаолияти билан боғлиқ маҳоратини тақсимлашни, мулоқот қилишни ўрганиши, таълимга қўйилган мақсад натижаларини олдиндан кўра билиши лозим. Лойиҳалаш педагогик жараёни ташкил этиш ва унинг муваффақиятли кечишини таъминлайди. У асосан алоҳида ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи томонидан ташкил этилувчи фаолият мазмунини ёритиши зарур. Лойиҳалашда ўқув режаси,



дастурлари, дарслик, методик тавсиялар ва бошқа ўқув қўлланмалар муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Омонов.Х.,Хўжаев Н., Мадярова Е., Ешчонов Е. “Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” “Иқтисод-молия” Т., 2009.
2. Соипова. Д . “Муסיқа ўқитиш назарияси ва методикаси” Т.2009.
3. Тожиев М., Зиямуҳаммедов Б., Ўралова М..”Педагогик технология ва педагогик маҳорат фанининг ўқув машғулотларини лойиҳалаш” “Тафаккур-бўстони” Т.,-2012.